



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАХАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 8 (13.605)

Баҳоси эркин нарҳда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАННИНГ 26 ЙИЛЛИГИ ВА ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БАЙРАМ ТАБРИГИ

Хурматли аскар ва сержантлар, офицер ва генераллар, Қуроли Кучларимиз хизматчилари ва фахрийлари!

Кадрли ватандошлар!

Сизларни, сизлар орқали бутун халқимизни Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари ташкил этилганининг 26 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари кунини билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Бу кутлуг сана мамлакатимизда ватанпарварлик, она юртга садоқат, мардлик ва жасурлик каби эзгу қадриятларни, халқимизга, буюк аجدодларимизнинг муносиб ворисларига хос бўлган юксак фуқаролик фазилатларини ўзида мужассам этадиган том маънодаги умумхалқ байрамига айланган.

Хозирги кунда дунёда олдиндан айтиш қийин бўлган вазият ҳукми сураётган мураккаб бир шароитда мамлакатимиз хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини, жамиятимизда тинчлик ва тотувликни таъминлаш нақадар муҳим аҳамиятга эга эканини чуқур англаган ҳолда, биз 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича қабул қилган Ҳаракатлар стратегиясида юртимиз мудофаа салоҳиятини янада мустаҳкамлаш ва Қуроли Кучларимизни ривожлантиришни устувор йўналишлардан бири сифатида белгиладик.

Ушбу Стратегия асосида биз ўтган йил давомида мамлакатимиз ҳаётининг бошқа тармоқлари каторида ҳарбий курилиш соҳасида кўпгина энг долзарб ва муҳим масалалар бўйича аниқ чора-тадбир ва ҳаракатларни кўзда тутадиган қарорлар қабул қилдик, уларни амалга ошириш бўйича ишларни самарали ташкил этдик.

Шу тарихқа қисқа вақт мобайнида аниқ натижаларга эришдик, Қуроли Кучларимизнинг келгусидаги қиёфасини белгилаб берадиган стратегик тамойиллар ва ана шу мақсадга эришишга қаратилган кенг қўламли комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқишга муваффақ бўлдик.

Аввало, ташқи сиёсатимизнинг мослашувчанлиги ва очқиллиги, қўшниларимиз билан дўстона ва амалий муносабатларни ривожлантириш, Ватанимиз мустақиллиги ва суверенитетини сақлаш энг устувор вазифа экани ҳақидаги принциплар асосида Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа доктринаси янгиланган ҳолда қабул қилинди.

2017 йилда Миллий гвардия ва Мудофаа саноати бўйича давлат кўмитаси ташкил этилди, ҳарбий округларнинг таркибий тузилиши ва вазифалари тубдан қайта кўриб чиқилди, қўшинларни бошқариш тизими такомиллаштирилди, уларни босқичма-босқич замонавий қурол-яроғ ва техника билан таъминлаш бўйича муҳим қадамлар кўйилди.

Мамлакатимиз мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, армия ва халқ бирлигини таъминлаш борасида жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг ролини ошириш бўйича ишлар бутунлай янги сифат босқичига кўтарилди.

Ҳар бир ҳудудда ҳарбий-маъмурий секторлар ташкил этилди, уларга бевосита раҳбарлик қилиш маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарлари зиммасига юкланди.

Униб-ўсиб келаётган ёш авлод қалбида мустаҳкам ҳаётини позиция ва Ватанимиз тақдирини учун юксак масъулият туйғусини шакллантириш мақсадида ватанпарварлик тарбияси соҳасида моҳият эътибори-

га кўра ноёб тизим яратилиб, унинг доирасига мамлакатимиз аҳолисининг кенг қатламлари қамраб олинди.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ташкил этилиши ва Қуроли Кучлар тизимида унинг бирламчи тузилмалари фаолияти йўлга қўйилиши мамлакатимизда ёш авлод манфаатларини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган давлат сиёсати самарадорлигини оширишга қаратилган саъй-ҳаракатларимизнинг мантикий давоми бўлди.

Ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзолари ва фахрийларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш бўйича ўзининг қўламини ва миқдосига кўра мисли кўрилмаган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Худудларимизда узоқ муддатли, имтиёзли кредитлар бериш асосида кўп қаватли уй-жойлар босқичма-босқич барпо этилмоқда. Биз бу ишларни доимий равишда давом эттирамиз.

Кадрли дўстлар!

Амалга ошираётган саъй-ҳаракатларимиз, армия ва халқнинг фаол ҳамкорлиги натижасида Қуроли Кучларимиз том маънода жамиятнинг ажралмас қисмига, мамлакатимиз барқарорлиги ва тараққиётининг ишончли қароватига, ёшлар ва ҳарбий хизматчиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг муҳим институтига айланиб бормоқда.

Айни вақтда халқаро терроризм ва экстремизм хавфининг тобора ортиб бораётгани, дунёнинг айрим минтақаларида қуроли тўқнашувлар давом этаётгани, таҳликали вазият сақланиб қолаётгани Ўзбекистоннинг барқарор ривожланишига таҳдид солмасдан қолмайди, албатта. Буларнинг барчаси олдимизда пайдо бўлаётган таҳдид ва хатарларга муносиб зарба беришга доимо тайёр бўлишни талаб этади.

Шу муносабат билан Қуроли Кучларни янада ривожлантириш, унинг жанговар тайёргарлиги ва қобилиятини ошириш доимо эътиборимиз марказида бўлади ва давлатнинг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолади. Биз ана шу вазифаларни амалга оширишда Қуроли Кучлар, ҳарбий округлар кўмондонлиги ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарларининг фаол позициясига таянамиз.

Хурматли аскар ва сержантлар, офицер ва генераллар, Қуроли Кучларимиз хизматчилари ва фахрийлари!

Мана шу байрам кунинда сизларнинг жанговар меҳнатингиз ўтган йиллар давомида Қуроли Кучларимизнинг обрўйи ва нуфузини оширишга катта ҳисса бўлиб қўшилганини алоҳида таъкидлашни зарур, деб биламан.

Айнан сизларнинг саъй-ҳаракатларингиз билан Ўзбекистон миллий армияси жадал ривожланмоқда, унинг жанговар қобилияти ва тайёргарлиги изчил ошиб бормоқда, мамлакатимизнинг мудофаа қудрати мустаҳкамланмоқда, халқимизнинг тинч-осойишта ҳаёти таъминланмоқда.

Сиз, азизларни ҳамда оила аъзоларингизни Қуроли Кучларимиз ташкил этилганининг 26 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари кунини билан яна бир бор самимий табриклайман.

Жонаҳон Ватанимизни ҳимоя қилишдек ғоят шарафли ва масъулиятли вазифани адо этишда барчангизга катта ютуқлар, оилавий бахт-саодат тилайман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,

**Ўзбекистон Республикаси Президенти,
Қуроли Кучлар Олий Бош Кўмондони**

ЎЗБЕКИСТОН МАНФААТЛАРИНИ ХАЛҚАРО МИҚЁСДА ҚАТЪИЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ – ДИПЛОМАТИК КОРПУСИМИЗНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАСИДИР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ ВА МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРДАГИ ЭЛЧИХОНАЛАРИ ФАОЛИЯТИГА БАҒИШЛАНГАН ЙИГИЛИШДАГИ НУТҚИ

Хурматли йиғилиш иштирокчилари!

Барчангизга яхши маълум, мамлакатимизда Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб берилган устувор мақсад ва вазифалар изчил амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда ҳаётнинг ўзи барча соҳалар каби ташқи сиёсат йўналишидаги фаолиятимизни ҳам танқидий қайта кўриб чиқишни, Ташқи ишлар вазирлиги, элчихоналаримиз, бутун дипломатик корпусимиз ишини янгирақ ташкил қилишни талаб этмоқда.

Сизларнинг кўпчилигингиз Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисига Мурожаатномаси билан видеоконференция орқали бевосита танишдингиз. Айрим элчихоналарнинг ҳисоботларини бутун мамлакатимиз эшитди.

Мурожаатномада Ўзбекистоннинг ташқи сиёсат соҳасидаги фаолиятини кучайтириш ва самарасини ошириш ғоят муҳим вазифа қилиб қўйилганидан барчангиз хабардорсиз.

Давлатимиз ва халқимиз номидан хорижий мамлакатларда иш олиб бораётган вакилларимиз, яъни, сизлар билан юзма-юз учрашиб, ҳар бирингиз билан атрофлича гаплашиб олишни анчадан буён режалаштириб келаётган эдим.

Бундай учрашув биринчи марта ўтказилмоқда ва жуда муҳим аҳамиятга эга.

Йиғилишимиз йил бошида ташкил этилаётгани сизларнинг фаолиятингизга ҳар томонлама ҳолис

баҳо бериш ва келгусидаги режаларни белгилаб олиш имконини беради.

Давлатимизнинг ташқи сиёсати ҳақида сўз юритар эканмиз, 2017 йил бу борада кўп жиҳатдан муваффақиятли бўлганини мамнуният билан қайд этиш ўринлидир.

Биз хорижий шерикларимиз, аввало, яқин қўшниларимиз билан дўстона муносабатларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш бўйича аниқ натижаларга эришдик.

Кўп йиллардан буён ечилмай келаётган масалаларни биргаликда амалда ҳал қилишни бошладик. Бўлиб ўтган кўп йиллар олий даражадаги ташриф ва учрашувлар барча мураккаб масалаларни ҳал этиш учун очик ва амалий мулоқот, ўзаро манфаатларни ҳисобга олиш ва оқилона муроша йўлини излаш муҳимлигини кўрсатди.

2017 йилда биз қўшниларимиз билан сув ресурсларидан биргаликда фойдаланиш, чегараларни белгилаш, ўтиш пунктларини очиб, транспорт қатновини қайта тиклаш ва кенгайтириш каби кўп йиллик нозик масалаларнинг ечимини топдик.

Қўшни давлатлар билан товар айирбошлаш бўйича юқори кўрсаткичларга эришилди. Илк бор минтақаларда ва чегараолди ҳудудлар ўртасида ҳамкорлик йўлга қўйилди, барча даражаларда ўзаро алоқаларимиз фаоллашди.

(Давоми 2-бетда)

САМАРАЛИ ТАШҚИ СИЁСАТ – ИСЛОҲОТЛАР ВА ЯНГИЛАНИШЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ МУҲИМ ШАРТИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2018 йил 11 январь кунини Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ва мамлакатимизнинг хориждаги элчихоналари фаолияти таҳлилига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистоннинг хориждаги дипломатик ваколатхоналари раҳбарлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти девони вакиллари, ҳукумат аъзолари, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари раҳбарлари, вилоятлар ҳокимлари, Ташқи ишлар вазирлиги ва бошқа вазирлик ҳамда идоралар раҳбар ходимлари иштирок этди.

Қайд этилганидек, ўтган давр мобайнида чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳидаги ташқи сиёсат юритиш, хорижий давлатлар, биринчи навбатда, қўшни мамлакатлар билан дўстона ва ўзаро манфаатли муносабатларни ривож-

лантириш борасида сезиларли натижаларга эришилди.

“Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатида Марказий Осиё – бош устувор йўналиш” тамойили изчил ҳаётга татбиқ этилиши минтақادا мулақо янги сиёсий муҳит яратиш, ўзаро ишонч ва яхши қўшничилик асосидаги алоқаларни мустаҳкамлаш имконини берди. Шу асосда сўздан оқилона фойдаланиш, чегара, транспорт қатновини қайта тиклаш ва кенгайтириш каби кўп йиллик нозик масалаларга ечим топилди.

Россия ва бошқа МДҲ мамлакатлари, Хитой, АҚШ, Жанубий Корея, Туркия, Европа ва Осиёдаги бир

қатор давлатлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик сезиларли даражада мустаҳкамланди. БМТ, ЕХҲТ, ШХТ, ИХТ ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар билан шериклик муносабатлари сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди.

Халқаро молия институтлари билан ҳамкорлик алоқалари мустаҳкамланмоқда. Тошкент шаҳрида Европа тикланиш ва тараққиёт банкнинг офиси қайта иш бошлади. Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Ислоҳ тараққиёт банки, Осиё инфраструктура инвестициялари банки билан ҳамкорликни янгирақ асосда йўлга қўйилди.

(Давоми 3-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИНИНГ 26 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ, МУДОФАА ВА ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИКЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Давлатимизнинг мудофаа қудратини янада юксалтириш, миллий хавфсизликни ва давлат чегаралари дахлсизлигини таъминлаш ишига қўшаётган катта ҳиссаси, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш ҳамда тинчлик, барқарорлик ва жамоат тартибини таъминлаш борасидаги хизмат бурчини бажариш чоғида мардлик, жасорат ва фидойилик кўрсатгани учун қуйидагилар мукофотлансин:

«Меҳнат шухрати» ордени билан

Суннатов Ихтиер Хикматович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий округ қўшинлари кўмондонининг ўринбосари

Шариксиев Бадритдин Усманович – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармаси бошлиғи

II даражали «Шон-шараф» ордени билан

Атаджанов Алишер Олимович – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими
Розметов Шерзат Турғунбаевич – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм командири

Турсоатов Содик Худоёр ўғли – Сурхондарё вилояти Ички ишлар бошқармаси юридик таъминлаш бўлими катта юристконсулти

Ханикулов Уктамон Валиджонович – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм батальон командири

«Дўстлик» ордени билан

Прокудин Николай Павлович – Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги Махсус авария-тиклаш бошқармаси техника ва қурол-аслаҳа бўлими бошлиғи

(Давоми 4-бетда)



Бу ерга сенаторлар, депутатлар, ҳукумат аъзолари, аскар ва сержантлар, офицер ва генераллар, Қуроли Кучларимиз фахрийлари, ота-оналар, мамлакатимизда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус ҳамда халқаро ташкилотлар ходимлари ва кенг жамоатчилик вакиллари тақдир қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янгради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуроли Кучлар Олий Бош Кўмондони Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари ташкил этилганининг 26 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари кунини муносабати билан байрам табригини Тошкент шаҳар ҳокими Р.Усмонов ўқиб эшиттирди.

Биринчи Президентимиз Ислоҳ Каримов фармони билан 1991 йил 6 сентябрь кунини Мудофаа ишлари вазирлиги ташкил этил-

ОБОД ВА ОЗОД. ВАТАНИМИЗНИНГ МУСТАҲКАМ ҚАЛҚОНЛАРИ

Пойтахтимиздаги “Туркистон” саройида 12 январь кунини Қуроли Кучларимиз ташкил этилганининг 26 йиллиги ҳамда 14 январь – Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган байрам тадбири бўлиб ўтди.

яқин қўшнилари билан дўстона ва амалий муносабатларни янада ривожлантириш, давлатимиз мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлаш устувор вазифа сифатида аниқ белгилаб қўйилди. Мамлакатимиз стратегик жойлашувининг ўзига хослиги, шунингдек, минтақادا юзага келаётган ҳарбий-сиёсий ҳолатни ҳисобга олган ҳолда, Қуроли Кучлар бирлашмаларининг вазифа ва тузилмалари қайта кўриб чиқилди. Мудофаа саноати бўйича давлат кўмитаси тузилди. Ҳарбий кадрлар тайёрлаш соҳасида олиб борилаётган тизимли ўзгаришлар асосида Қуроли Кучлар академиясининг фаолияти тубдан қайта ташкил этилди. Мудофаа вазирлиги қўшинларини қурол-аслаҳа, ҳарбий техника ва алоқа воситаларининг замонавий турлари билан таъминлаш ишлари янги босқичга кўтарилди.

(Давоми 3-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН МАНФААТЛАРИНИ ХАЛҚАРО МИҚЁСДА ҚАТЪИЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ – ДИПЛОМАТИК КОРПУСИМИЗНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАСИДИР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ ВА МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРДАГИ ЭЛЧИХОНАЛАРИ ФАОЛИЯТИГА БАФИШЛАНГАН ЙИГИЛИШДАГИ НУТҚИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Яқинда Қозоғистон Бечан мунтазам автобус қатнови йўлга қўйилди. Кеча узоқ йиллардан буён биринчи марта Ўзбекистон Бош вазирининг Тожикистонга ташрифи бўлиб ўтди.

Россия ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг бошқа мамлакатлари, Хитой, АҚШ, Жанубий Корея, Туркия, шунингдек, Европа ва Осиё қитъаларидаги бир қатор давлатлар билан ҳамкорлигимизни сезиларли даражада мустаҳкамлади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Ислом ҳамкорлик ташкилоти ва бошқа нуфузли халқаро тузилмалар ва молиявий институтлар билан шериклигимиз сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилди.

Тошкент шаҳрида Европа тикланиш ва тараққиёт банкнинг ваколатхонаси қайта иш бошлади.

Биз Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки, Осиё инфраструктура инвестициялари банки билан ҳамкорликни янги асосда йўлга қўйдик.

Ўтган йили хорижий шерикларимиз билан 200 дан ортиқ халқаро шартномалар, шунингдек, савдо-иқтисодий ва инвестиция соҳаларида қиймати қарийб 60 миллиард долларлик келишув ва битимлар имзоланди.

Чет эл мамлакатлари ва халқаро ташкилотлар билан амалий ҳамкорлиқни ривожлантириш бўйича 40 дан ортиқ "йўл хариталари" тасдиқланди.

Кўриб турганингиздек, қисқа вақт ичида жуда кўп ишлар қилинди. Бунда Ташқи ишлар вазирлиги ва хориждаги қатор элчихоналаримизнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Хурматли йиғилиш иштирокчилари!
2018 йилда олдимизда янада кўламли, ўта муҳим янги вазифалар турибди. Бу йил, ҳеч шубҳасиз, **мамлакатимиз ривожига ҳал қилувчи аҳамиятга эга йил бўлади.**

Шу муносабат билан ўтган йили олий даражада эришилган барча келишувлар тўлиқ амалга оширилиши шарт эканини алоҳида таъкидламоқчиман.

Бундан ташқари, жорий йилда 20 дан ортиқ олий даражадаги ташрифлар ва учрашувларни, мамлакатимизда бир қатор йирик халқаро анжуманларни ўтказиш режалаштирилган. Бу ишларнинг барчаси ўз-ўзидан бўлмайди, албатта. Ислохотлар ва ўзгаришлар жараёнида сизлар ҳам фаол иштирок этишингиз зарур.

Бошқача қилиб айтганда, ҳар бирингиз фаолиятингизни танқидий қайта кўриб чиқиш, уни кучайтиришингиз шарт.

Орангизда кимдир ана шу ўта муҳим жараёнларни четдан томошабин бўлиб кўзатиб туришига ва лоқайдликка берилишига биз йўл қўймаймиз.

Минг афсуски, бугунги кунда барча элчи ва дипломатларимиз бирдек самарали фаолият кўрсатмоқда, деб айтолмаймиз.

Қайд этиш керакки, ўз фаолиятини тубдан ўзгартириб, янги ҳаётга ишлайётган элчиларимиз ҳам йўқ эмас. Улар аниқ амалий натижаларга эришмоқда.

Аммо фаолият бизни қониқтирмайдиган, ўз лавозимини узоқ ўтириб қолган, "мудраб ётган" дипломатлар кўпчилиги ташкил этади. Уларни уйқудан уйғотишингиз ўзи амримаҳол. Бу мени каттиқ ташвишга солмоқда.

Фақат 2017 йилнинг ўзида ташаббуси ва натижадорлиги йўқлиги, суғуштирилиши ҳамда йўл қўйган хатолари учун 10 нафар элчи, жумладан, Хитой, Япония, Туркия, Малайзия ва бошқа давлатлардаги элчилар вазифасидан озод этилди.

Бугунги мажлисимиз натижалари бўйича ҳам ўзгаришлар бўлади.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, **элчи Президентининг хориждаги расмий вакилидир.** У давлатимизнинг ташқи сиёсатини самарали амалга ошириш учун тўлиқ масъул ва жавобгар.

Шунинг учун элчи барча ходимларидан кўпроқ ишлаши, ўзининг ақл-заковати, ташаббускорлиги ва талабчанлиги, билим ва салоҳияти билан бошқаларга намуна бўлиши лозим. У ҳар кун чўқур асосланган янги-янги таклифлар ишлаб чиқиб, тақдим этиши шарт.

Ўзи ишлаётган мамлакат ҳудудларига бевосита бориб, уларнинг бозор сиёсатини чуқур ўрганиши, бизнесменлар билан учрашиб, ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини ташкил этиши даркор.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг вакили сифатида чет давлатларда ва элчихона ходимлари орасида обрў-эътибор ва ҳурматга сазовор бўлиши керак. Барча дипломатлар, ўзининг идоравий мансублигидан қатъи назар, элчининг хизмат топшириқларини сўзсиз бажаришга мажбур.

Элчининг халқ, Ватан олдидаги бурчи ва вазифаси, унинг касб малакаси, маънавий дунёси ҳақида гапирганда, аввало, бугунги ўзбек дипломати, элчиси қандай хусусият ва фазилатларга эга бўлиши керак, деган савол туғилади.

Бунинг учун аввало "элчи" деган сўзнинг маъносига эътибор қаратиш ўринли бўлади. Бу сўз элчининг, халқнинг вакили, мамлакатларни бир-бирига боғлайдиган инсон, деган маънони англатиши ўз-ўзидан кўриниб турибди.

Маълумки, бизнинг миллий давлатчилигимиз неча минг йиллик қадимий тарих ва бой маданиятга эга. Бинобарин, дипломатик муносабатлар ҳам тарихимизнинг энг чуқур қатламларига бориб тақалади.

Бу ҳақиқат нафақат мамлакатимиз, балки дунё олимлари томонидан кенг эътироф этилган.

Бизнинг аждодларимиз орасидан машҳур ва моҳир дипломатлар, элчилар етишиб чиққани ҳақида кўп қадимий маълумотлар мавжуд.

Дунёдаги дипломатияга оид энг зўр китоблар ҳам аслида Шарқда, жумладан, бизнинг заминимизда яратилган, десак, адашмаган бўламиз.

Шу ўринда бир мисолга эътиборингизни қаратмоқчиман. Самарқанд шаҳридаги қадимий Афросиёб давлати жойлашган макондан топилган ноёб деворий расмларни ҳаммангиз яхши биласиз. Ана шу расмларда Самарқанд ҳукмдорининг Хитой, Корея, Ҳинд, Чаганиён каби давлатлардан келган элчиларни қабул қилиш маросими акс эттирилган.

Жанубий Кореяга давлат ташрифи билан борганимизда муҳтарам Президент Мун Чжэ Ин жаноблари Сеулдаги музейда шу расмнинг нусхасини менга катта ифтихор билан кўрсатди.

Бундан неча минг йил аввал яратилган бу сурат қадим замонлардаёқ юртимиз заминида дипломатик аънаналар шаклланишдан, ота-боболаримиз узоқ-яқин мамлакатлар билан дўст ва ҳамкор бўлиб яшашга интилиб келганидан далolat беради.

Ёки Амир Темури бобомиз ва теуририйлар салтанатини оладиган бўлсак, ушбу сулола ҳукмдорлик қилган йилларда ўлкаимизда дипломатик муносабатлар нақадар юксак даражага кўтарилганига гувоҳ бўламиз.

Сохибқирон бобомизнинг Франция, Англия, Испания, Византия, Миср, Хитой, Ҳиндистон, Усмонийлар империяси каби кўп давлатларнинг ҳукмдорлари билан олиб борган дипломатик алоқалари ва ёзишмалари буни яққол тасдиқлайди.

Амир Темури саройига дунёнинг турли мамлакатларидан, жумладан, Европа давлатларидан ўнлаб элчилар келган тарихдан яхши маълум.

Уша давр манбаларида 1389-1398 йиллар оралиғида, яъни, салкам ўн йил ичида Амир Темури номидан Хитойга 9 марта элчилар боргани қайд этилади.

Айни вақтда Амир Темури ва теуририйлар салтанати номидан Европа ва Осиё мамлакатларига вакил бўлиб борган, асли шахрисабзлик Муҳаммад Кеший, шунингдек, Мавлоно Ҳофиз, Гиёсиддин Нақош, Абдуразоқ Самарқандий каби элчиларнинг номлари тарих саҳифаларида сақланиб қолган. Уларнинг ҳаёти ва фаолияти, афсуски, ҳозиргача чуқур ўрганилмаган ва ўз таъкидотчиларини қутиб турибди.

Ташқи ишлар вазирлиги бунга эътибор қаратиб, ушбу масалани тарихий илдизлари, мустақиллик даврида ўзбек дипломатиясининг шаклланиш жараёни ҳақида алоҳида бир китоб тайёрлаб чиқарса, бу соҳа ходимлари, аввало, ёш дипломатлар учун муҳим қўлланма бўларди.

Бу вазирликка қанча одам раҳбарлик қилди. Лекин улардан биронтаси ҳам бунга аҳамият бермагани уларнинг фақат вақтинчалик кайфият билан ишлаганидан далolat беради.

Вахонанки, дипломатия, дипломатлик – оддий касб эмас, балки инсондан жуда кўп фазилатларни талаб этадиган ноёб санъатдир.

Ҳақиқий дипломат бўлиш учун фақат билим ва тажриба, чет тилларни билиш етарли эмас, бунинг учун аввало туғма талант керак. Энг муҳими, дипломат ҳақиқий ватанпарвар бўлиши, ўз халқи, ўз юртининг чинакам фидойиси бўлиши зарур.

Шу маънода XVII асрда яшаб ўтган улуг ватандошимиз Хожа Самандар Термизийнинг "Дастур ул-мулк" яъни, "Мамлакат дастури" деган китобиде элчилик санъати ҳақида шундай фикрлар баён этилган:

"Элчи икки масалада ниҳоятда ҳушёр бўлиши зарур. У ўз давлатига садоқатини намоён этиш учун мамлакатнинг обрўси ва шаънини, шон-шуҳратини, салтанатнинг улугворлигини ҳар жиҳатдан эҳтиёт қилиши лозим.

Шунинг билан бирга, у чет мамлакатлар билан бўладиган муносабатларда у ердаги дўстларнинг хайрихоҳлиги ва ғанимларнинг макр-ҳийласидан доимо оғох ва ҳушёр бўлиб туриши даркор".

Бу доно гапларга ҳеч қандай кўшимча қилишнинг зарурати йўқ, деб ўйлайман.

Лекин, ўзингиз айтинг, элчи деган одам ўзбек халқининг бой тарихини, маданиятини, миллий қадриятларини, ватандошларининг дарду ташвишларини яқиндан билмаса, уларни юрагидан ўтказмаса, қандай қилиб Ўзбекистонни дунёга танитиши мумкин? Дейлик, Алишер Навоийдан, Бобурдан, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидовдан икки қатор шеър айта олмаса, энг ёмони, она тилимизни мукамал билмаса, қандай қилиб ҳақиқий элчи бўлиши мумкин?

Мен шу маънода Жанубий Кореядаги элчимиз Виталий Васильевич Фенга алоҳида раҳмат айтишни ўзимнинг бурчим, деб биламан.

Бу одам шунча йилдан буён элчилик лавозимини самарали ишлаётгани, Жанубий Корея билан иқтисодий, инвестициявий алоқаларни жадал ривожлантираётгани албатта эътиборга лойиқ, лекин унинг халқимизга жуда катта ҳурмат билдириб, ўзбек тилида равон гапириши барча элчиларимизга ўрнак бўлиши керак.

Ўзингиз айтинг, Ўзбекистоннинг чет элдаги элчиси бўлса-ю, ўзбек тилини билмаса, бу халқимизга ҳиёнат эмасми?

Шу нуқтаи назардан қараганда, биз бу борада ҳали жуда кўп иш қилишимиз лозим. Биринчи навбатда миллий дипломатиямизни буюк аждодларимизнинг бизга қолдирган бой меросига асосланган ҳолда, дунёдаги ривожланган давлатлар тажрибаси, дипломатия фани ва санъатининг энг илғор ютуқлари билан бойитишимиз зарур.

Айни пайтда бугун замон олдимизга қандай кескин талаблар қўётганини ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Жаҳон миқёсида рақобат, қарама-қаршилик, турли манфаатлар тўқнашуви, геополитик зиддиятлар тобора кучайиб бормоқда.

Бундай гоят мураккаб ва таҳликали шароитда биз кучли ташқи сиёсат олиб бормасдан туриб, қўзлаган мақсадларимизга эришолмаймиз.

Кучли, самарали ташқи сиёсат олиб бориш учун эса аввало кучли дипломатлар корпусига эга бўлишимиз керак.

Биз хорижий мамлакатлар билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишда муҳим бир масалага эътибор қаратишимиз керак. Минг афсуски, ушбу масалага биз кўпинча иккинчи даражали иш, деб қарашга ўрганиб қолганмиз.

Мисол учун, агар Италиядаги элчимиз шу мамлакат ишбилармонларининг вакилларини йиғиб, буюк италян шоири ва мутафаккири Алигьери Дантенинг "Илохий комедия" асарини бизнинг улуг шоиримиз Абдулла Орипов таржима қилганини айтиб, ўзбекча дунёда қандай муҳим бир масалага келибди, нима бўлади? Уларда Ўзбекистонга ҳурмат, қизиқиш, ҳамкорлик қилишга интилиш пайдо бўладими-йўқми? Мен, ўйлайманки, албатта пайдо бўлади.

Мен Абдулла аканинг бир китобида шундай гапларни ўқиганман. У киши Италияга борганида "Ўзбекистондан Дантенинг таржимони келибди", деб турли партияларнинг вакиллари бир жойга тўпланиб, шоиримиз билан суҳбатлашган экан.

Ушунда бир сиеатчи Абдулла акага: "Ҳурматли меҳмон, биз аслида бир-биримизга ашаддий рақибимиз. Партияларимиз, мафкураларимиз ҳар хил. Бир-биримиз билан доим кескин рақобатдамиз. Лекин мана бугун буюк Дантенинг ҳурмати, Сизнинг шарофатингиз билан бир дастурхон атрофида ахил-иноқ тўпланиб турибмиз. Сизга катта раҳмат", деган экан.

Мана, одамнинг юрагига қандай йўл топиш мумкин! Инсон қалбини, халқ қалбини аввало унинг маданияти, адабиёти ва санъатига, миллий қадриятларига ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш орқали забт этиш мумкин.

Муҳтарам дўстлар!
Мамлакатимизда Фаол тадбиркорлик, инновацион гўялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили, деб эълон қилинган 2018 йилда биз ўз олдимизга ниҳоятда катта мақсадларни қўйдик. Бу, ўз навбатида, сизлардан барча йўналишлар бўйича иш самарадорлигини тубдан оширишни талаб этмоқда. Шундан келиб чиқиб, бизнинг диплома-ти муассасаларимиз фаолияти аввало куйидаги энг муҳим вазифаларни ҳал этишга қаратилиши лозимлигини алоҳида таъкидламоқчиман.

Биринчидан, экспорт, экспорт ва ана бир бор экспорт!

Гап Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни хорижий давлат бозорларига экспорт қилишга ҳар жиҳатдан амалий қўмақлаштириш ҳақида бормоқда. Бугунги кунда дунёдаги кўп давлатлар, хусусан, ривожланган мамлакатларнинг ташқи сиёсат фаолиятида айнан шу масалага энг устувор аҳамият берилишини сизлар яхши биласизлар.

Иккинчидан, мамлакатимиз санъати ва инфра-тузилмаларини модернизация қилиш ва ривожлантириш учун хорижий инвестициялар, илгор замонавий технологиялар ва илм-фан ютуқларини фаол жалб этиш зарур.

Мамлакатимизнинг иқтисодий ривожланиши кўп жиҳатдан фаол инвестиция сиёсатига боғлиқ. Шу асосда давлатимизнинг рақобатбардошлиги ва, энг асосийси, аҳоли фаровонлиги тубдан ошиши, янги корхона ва тармоқлар, янги иш ўринлари яратилиши, ўйлайманки, тушунтириб ўтиришимиз ҳожа-ти йўқ.

Учинчидан, Ўзбекистонга келаётган сайёҳлар оқимини кенгайтириш бўйича элчихоналаримиз ҳам фаол ва тизимли иш олиб бориши лозим. Мен бу ҳақда илгари ҳам бир неча бор айтганман.

Бу борада Вазирлар Маҳкамаси (А.Арипов) зарур туристик инфратузилмани яратиш бўйича фаол иш олиб бормоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, хорижий туристларни мамлакатимизга жалб этиш юзасидан элчиларимизнинг Туризмни ривожлантириш бўйича давлат қўмитаси раиси А.Абдухакимов ва Савдо-санаят палатаси раиси А.Икромов билан бир-галликда тизимли равишда қаттиқ ишлаши талаб қилинади.

Яна бир муҳим масала. Сизлар Ўзбекистон очик, амалий ва ўзаро манфаатли ҳамкорлиқни ривожлантиришга тайёр эканини хорижий мамлакатларнинг кенг жамоатчилигига етказиш бўйича мунтазам иш олиб боришингиз зарур.

Ана шу муҳим вазифаларнинг барчаси сизларнинг кундалик фаолиятингизнинг устувор йўналишлари бўлиши даркор.

Биз мамлакатимизга чет эл инвестицияларини жалб қилишда элчиларимиз, дипломатларимизнинг иштирокини кучайтириш ҳақида сўз юртимиз.

Тарихга мурожаат қиладиган бўлсак, бу масала Амир Темури замонида ҳам кун тартибига долзарб вазифа сифатида қўйилганини кўришимиз мумкин. Масалан, Сохибқирон бобомизнинг 1402 йилда Франция қироли Карл VI га йўллаган мактубида, жумладан, шундай дейилади:

"Сиз, аъло ҳазратлари, ўз савдогарларингизни бизнинг мамлакатимизга юборсангиз. Биз ўз томонимиздан уларнинг иззат-ҳурматини сақлаш, уларга ҳеч ким ўзлик кўрсатиб, зиён-заҳмат ет-

казмаслигини таъминлаймиз. Чунки дунё савдо ахли билан обод ва фаровондир".

Қаранг, бу ҳикматли сўзлар бугунги халқаро муносабатларда ҳам ўзининг аҳамияти ва қиммати-ни йўқотмаган. Улар худди шу бугун айтилгандек жарангламоқда.

Бугунги мажлисга тайёргарлик кўриш жараёнида мен вақтимни аямасдан, ҳар бир элчихона юборган ҳисоботларни диққат билан ўрганиб чиқдим.

Бу ҳисоботлар жуда чиroyли, силлиқ қилиб ёзилган. Аммо амалда вазият бутунлай бошқача.

Мана, Ташқи савдо вазирлиги, Инвестициялар ва Туризмни ривожлантириш бўйича давлат қўмиталарининг 2017 йил якунлари бўйича маълумотлари қўлимда турибди. Уларда сизлар фаолият кўрсатаётган мамлакатларга оид амалдаги экспорт ва хорижий инвестициялар ҳажми, юртимизга келаётган сайёҳлар сони аниқ акс эттирилган.

Бу маълумотлар сизларнинг ҳисоботингиздаги рақамлардан бутунлай фарқ қилади. Ҳақиқий вазият фаолиятингиз бўйича реал натижаларни яққол кўрсатиб турибди.

Кўпчилик элчи ва дипломатлар бугун амалий иш ўрнига интернетдан олинган, долзарб бўлмаган маълумотлар, "тахсиллар" ва ҳисоботлар тайёрлаш билан шуғулланиб ўтирибди.

Бундай номақбул иш устлубининг турлича сабаб ва омиллари бор, албатта.

Айрим элчилар енгил-елпи иш юритишга, халқимиз таъбири билан айтганда, оғирнинг – устидан, енгилнинг – остидан юришга ўрганиб қолган. Улар даврнинг қатъий талабларини ҳисобга олишни, ўзини, иш устлубини ўзгартиришни истамаяпти. Биз бундай элчилар билан ҳайрлашамиз.

Ташқи ишлар вазирлиги тизимини бюрократия ва ортиқча қоғозболик билан боғлиқ ҳолатлар борлигини ҳам яхши биламан. Бугунги кунда ҳаётнинг ўзи ушбу тизимни чуқур қайта кўриб чиқиш ва оптималлаштиришни талаб этмоқда. Бу биринчи навбатда хориждаги элчихоналаримиз томонидан ҳисобот тақдим этиш, уларни молиялаштириш ва моддий-техник таъминлаш масалаларига тааллуқлидир.

Вазирлик ва унга қарашли муассасаларда ташкилий-шарт тузилмасини такомиллаштириш, уларнинг фаолиятига замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш зарур.

Сизларга маълумки, биз Ташқи ишлар вазирлиги ва Ўзбекистоннинг хориждаги элчихоналари фаолиятини танқидий ўрганиш ва тубдан такомиллаштириш бўйича махсус комиссия ташкил этдик. Ушбу комиссия ишига Президентнинг Давлат маслаҳатчиси О.Муродов раҳбарлик қилмоқда.

Комиссия Ташқи ишлар вазирлиги тизимини ҳар бир ходимнинг ишига ҳолис баҳо бериши, мавжуд камчиликларни таҳлил қилиб, уларни барта-раф этиш бўйича аниқ таклифлар киритиши лозим.

Бугун сизлар билан бирга вазирлик ва унинг дипломатик муассасаларининг самарали фаолият кўрсатишига тўқинлик қилаётган сабаб ва омилларни муҳокама қилиб олишимиз керак.

Шу борада эътиборингизни қуйидаги масалаларга қаратмоқчиман.

Биринчидан, биз элчихоналар фаолиятини мутлақо янги асосда ташкил этамиз. Бу нафақат элчихоналарнинг ташкилий тузилмаси, балки сизларнинг кундалик амалий фаолиятингизга ҳам дахлдордир.

Биз ҳар бир элчихонага мамлакатимизнинг муайян ҳудудлари ва иқтисодий тармоқлари ҳамда йирик корхоналарни бириктириб қўйишга қарор қилдик.

Бу ўз навбатида экспорт ва туризмни ривожлантириш, инвестиция, бизнес кооперацияни кучайтириш бўйича аниқ лойиҳаларни амалга ошириш билан боғлиқ масалаларни тезкор ҳал қилиш имконини беради.

Шунингдек, вилоят ҳокимлари бир йилда камида икки марта тегишли мамлакатларга хизмат сафарига юборилади. Улар шаҳарсозлик ва ободонлаштириш, инфратузилмани ривожлантириш, замонавий ахборот, энергия тежайдиган технологияларни жорий этиш, санаят ва қишлоқ ҳўжалиги, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларидаги илгор хорижий тажрибани ўрганиб, ўз ҳудудларида кенг жорий қилиши лозим.

Бу ишларнинг ижросини назорат қилиш Бош вазир А.Ариповдан топширилади.

Иккинчидан, элчихоналар ва дипломатларнинг фаолияти, уларнинг реал иш ҳажми ва амалий натижаларини синчиклаб ўрганиб, шу асосда ҳар томонлама пухта ўйланган таклифлар тайёрлаш керак.

Бизнинг асосий иқтисодий ҳамкорларимиз бўлган Марказий Осиё мамлакатлари, Россия, Хитой, АҚШ, Жанубий Корея, Япония, Туркия ва Европанинг етакчи давлатларига алоҳида эътибор қаратиш зарур. Ушбу мамлакатлардаги элчихоналаримизнинг ҳар бирида савдо ва инвестиция бўйича дипломат ходимлар штатини жорий қилиш ва кенгайтириш лозим.

Хорижий мамлакатлардаги элчилар ва дипломатик ваколатхоналаримиз фаолиятини, аввало, уларнинг амалий иш натижаларини ва келгусига мўлжалланган аниқ режаларини чуқур ва атраф-лича ўрганиш мақсадида Президент ҳузуридаги Хавфсизлик кенгашининг сектор мудири Э.Ғаниев ҳамда Стратегик ва минтақаларо тадқиқотлар институти директори В.Норов раҳбарлигида комиссия ташкил этишга қарор қилинди.

(Давоми 3-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН МАНФААТЛАРИНИ ХАЛҚАРО МИҚЁСДА ҚАТЪИЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ – ДИПЛОМАТИК КОРПУСИМИЗНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАСИДИР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ ВА МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРДАГИ ЭЛЧИХОНАЛАРИ ФАОЛИЯТИГА БАҒИШЛАНГАН ЙИГИЛИШДАГИ НУТҚИ

(Давоми. Боши 1,2-бетларда)

Мен ушбу комиссиядан аниқ таклиф ва натижа кутаман.

Учинчидан, кўйилган вазифаларни самарали бажариш ва элчихоналар фаолиятини мувофиқлаштириш учун **Ташқи ишлар вазирлигининг марказий аппарати тузилмасини қайта кўриб чиқиш ва оптималлаштириш зарур.**

Шу ўринда қиёслаш учун бир мисолга эътиборингизни қаратмоқчиман.

Мен Бош вазир лавозимида ишлаган пайтимада бутун Вазирлар Маҳкамаси аппарати ходимларининг сони 180 кишидан иборат эди. Ана шу 180 киши мамлакатимиз иқтисодийотининг оғир аравасини, ҳар қандай қийинчиликларга қарамасдан, ўз елкасида тортар эди. Хусусан, sanoat, қишлоқ хўжалиги, транспорт, коммунал соҳа, қурилиш, ҳудудларни ривожлантириш, экспорт ва инвестициялардан бошлаб таълим, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт соҳаларида кенг қамровли ишлар олиб борилар эди.

Энди куйидаги рақамларга эътибор беринг: ҳозирги кунда Ташқи ишлар вазирлигининг марказий аппаратида 334 ходим, унинг қуйи муассасаларида 900дан ортиқ, элчихоналаримизда эса 300 киши ишламоқда. Жами бир ярим минг кишидан ортиқ.

Лекин мана шундай йирик вазирликнинг иш фаолияти бугунги куннинг кескин ва ўткир талабларига жавоб бераётгани, деган табиий савол туғилади.

Афсуски, бу саволга ижобий жавоб бериш қийин.

Шу муносабат билан Давлат маслаҳатчиси О.Муродов раҳбарлигидаги комиссия Ташқи ишлар вазирлигининг таркибий тузилмасини тубдан қайта кўриб чиқиш бўйича аниқ таклифлар киритиши зарур.

Жумладан, вазирлик таркибиде куйидаги масалалар бўйича иxtисослашган алоҳида тузилма ва бошқармалар ташкил этилиши лозим:

- ташқи иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, экспортни кўллаб-қувватлаш ва инвестицияларни жалб қилиш;
- савдо-иқтисодий ҳамкорлик, бўйича ҳукуматлараро комиссиялар фаолиятини масъул қотибати сифатида мувофиқлаштириш;
- туризмни ҳар томонлама ривожлантириш;
- хориждаги фуқароларимиз ва ватандошларимиз билан тизимли ишлаш.

Шу билан бирга, дипломатик хизматни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишинг самарали ва адолатли тизимини шакллантириш лозим. Бугунги кунда Ташқи ишлар вазирлиги 20 йил аввал қабул қилинган ҳужжатлар асосида фаолият кўрсатмоқда.

Бундан ташқари, вазирликда кадрларни рота-ция қилишинг самарали тизимини йўлга қўйиш зарур. Баъзи элчи ва дипломатларимиз хорижда 8-10 йил давомида ўз вазифасида ишлаб келмоқда. Оқибатда улар мамлакатимизда рўй бераётган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий жараёнлардан узоқлашиб қолмоқда.

Шу ўринда мен ўзининг ваколат муддатини тутатиб, юртимизга қайтган тажрибали элчи ва катта дипломатларимизни **вазирлик, идора ва вилоят ҳокимликларидеги масъул раҳбарлик лавозимларига тайинлаш тартибин жорий қилиш лозим, деб ҳисоблайман.**

Менинг фикримча, чет мамлакатда элчи бўлиб муваффақиятли ишлаган одам хизмат миссияси тугагандан кейин давлат тизимидан узоқлашиб кетмаслиги керак.

Афсуски, бизда ўз миссиясини бажариб қайтган юқори малакали дипломат ходимларга муносиб иш бериш, уларга ҳурмат-эътибор кўрсатиш масаласи эътибордан четда қолган, десак, буюм адолатдан бўлади. Биз бундан буён бундай нотўғри ишларга йўл қўймаймиз.

Шу тариқа элчи ва дипломатларимизнинг хорижда орттирган бой тажриба ва билимларидан тармок ва ҳудудларимизнинг халқро алоқаларини ривожлантириш, шунингдек, экспорт ҳажмини ошириш ва инвестицияларни жалб этишда фойдаланиш имконияти пайдо бўлади.

Ташқи ишлар вазирлиги ва элчихоналарнинг тегишли вазирлик ва идоралар, жойлардаги ижро ҳокимияти органлари билан самарали ишлаши бўйича аниқ ва яхлит тизимини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Бу борада мамлакатимизнинг **ягона ташқи сиёсий ва иқтисодий фаолиятини амалга ошириш ва мувофиқлаштириш вазифаси Ташқи ишлар вазирлигига юклатилади.**

Тўртинчидан, бугунги кунда Ташқи ишлар вазирлиги ва элчихоналарига фаолиятида **тизимли ва аниқ мақсадга қаратилган инфор-мацион-тарғибот ишларини кучайтириш лозим.**

Афсуски, хорижий шерикларимиз мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ўзгариш ва ислохотлардан, ички ва ташқи сиёсатимизнинг устувор жиҳатлари, бизнес ва инвестиция учун яратилаётган қулай шарт-шароитлар ҳақида етарлича маълумотга эга эмас.

Ташқи ишлар вазирлиги ҳузуридаги "Жаҳон" ахборот агентлиги ўз зиммасига юклатилган вазифаларни тўлиқ бажара олмайпти. Шу муносабат билан "Жаҳон" ахборот агентлиги негизда ёш, салоҳиятли мутахассисларни жалб қилган ҳолда, молиялаштириш манбалари аниқ бўлган ва энг илғор техника билан жиҳозланган замонавий медиа-марказ ташкил этиш зарур, деб ҳисоблайман.

Бош вазир ўринбосари С.Холмуродов бу масалага масъул этиб белгиланади.

Бундан ташқари, Ташқи ишлар вазирлигида Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар бўйича алоҳида тузилма ташкил этиш лозим. Ушбу тузилма раҳбари Ташқи ишлар вазирлигининг тўлақонли расмий вакили, давлатимиз ташқи сиёсатининг "жарчиси" бўлиши керак.

Бешинчидан, Ташқи ишлар вазирлигининг кадрлар сиёсатига ҳам алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман.

Ҳозирги кунда 10 та элчи лавозими, жумладан, Австрия, Польша, Бирлашган Араб Амирликлари, Сингапур давлатларидаги элчи лавозимлари кўп йиллардан буён вакант бўлиб турибди.

Тегишли қарор қабул қилинган бўлса-да, Ўмон ва Беларусь мамлакатларида элчихоналаримиз фаолияти ҳали ташкил этилмаган.

Вазирликнинг марказий аппарати фаолиятида ҳам жиддий муаммолар мавжуд. Аввало, ўрта бўйи раҳбарлари ўз зиммасига юклатилган вазифаларни тўлиқ бажара олмайпти. Кейинги йилларда вазирликда бошқарма бошлиғи лавозимининг нуфузи тушиб кетган. Аксарият бошқарма бошлиқларининг ўзлари ҳам ишламаяпти, ёшлари ҳам тарбияламаяпти. Улар фақат навбатдаги хориж сафарларини кутиб ўтирибди.

Ташқи ишлар вазирлигининг марказий аппарати, шунингдек, хориждаги муассасалар учун истиқболли кадрлар захирасини қайтадан кўриб чиқиш керак.

Шу пайтгача вазирликнинг марказий аппарати ва дипломатик ваколатхоналари раҳбарлари ва ходимлари фаолиятининг самарадорлигини баҳолашнинг ягона мезонлари ишлаб чиқилмаган. Шунинг учун тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда зарур меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқиш ва қабул қилиш керак.

Айни вақтда **дипломат кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштиришни** даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Афсуски, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети (А.Жуманов) чинакам истиқбол-

ли, ўз касбига садоқатли ва профессионал ёш кадрлар тайёрлаш бўйича вазифаларни тўлақонли бажараётгани йўқ. Университет битирувчиларининг давлат идораларига ишга жойлашиши ўта паст даражада қолмоқда.

Мисол учун, 2017 йилда университетни битирган 235 ёшларнинг атиги 14 нафари Ташқи ишлар вазирлигига ишга қабул қилинган. Улар орасида халқро иқтисодий муносабатлар факультетини битирган биронта ҳам йигит-қиз йўқ.

Ташқи савдо вазирлиги ва Инвестициялар бўйича давлат қўмитасига ҳам ушбу университетни ўтган йил тамомлаган биронта ёш мутахассис ишга олинмаган.

Шу муносабат билан Комиссия (О.Муродов) Бош вазир А.Арипов, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари Р.Қосимов, У.Исмоилов билан биргаликда бир ой муддатда:

- Ташқи ишлар вазирлигида кадрлар билан ишлашни самарали ташкил этиш, аввало, иқтидорли ёш мутахассисларни жалб қилиш бўйича аниқ таклифлар;

- Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетини фаолиятини тубдан такомиллаштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини тайёрлаш лозим.

Ҳурматли йиғилиш иштирокчилари!

Бугун биз Ташқи ишлар вазирлиги ва элчихоналар фаолияти билан боғлиқ комплекс масалаларни очикҳасига муҳокама қилиб, мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича аниқ таклифлар олдик.

Фурсатдан фойдаланиб, давлатимиз манфаатларини ҳимоя қилаётган, ташқи сиёсатимизни амалга оширишда муҳим ўрин эгаллайдиган, мамлакатимизнинг халқро майдондаги юзи бўлган сиз, ҳурматли дипломатларнинг масъулиятли меҳнатингизни юксак қадрлашимизни қайд этмоқчиман.

Яна бир бор таъкидлаيمان, дипломатлар – бу жамиятнинг энг етуқ вакиллари. Ўзбекистон манфаатларини халқро миқёсда қатъий ҳимоя қилиш ва уни илғари суриш борасида сизларнинг алоҳида ўрниниғиз ва таъсириниғиз буён муҳим.

Лекин, тан-олиб айтишимиз керак, биз Ташқи ишлар вазирлиги ва унинг тизимидаги ходимларни ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш, уларнинг меҳнатини рағбатлантириш бўйича ҳали кўп иш қилишимиз зарур.

Шу муносабат билан Бош вазир А.Арипов, Давлат маслаҳатчиси О.Муродов, Тошкент шаҳар ҳокими Р.Усмонов ва ташқи ишлар вазирлиги А.Комиллов икки ой муддатда Ташқи ишлар вазирлигининг фаолиятини такомиллаштириш бўйича Президент қарори лойиҳасини тайёрлаб, тасдиқлаш учун киритсин.

Бунда, жумладан, Тошкент шаҳрида вазирлик тизимидаги ходимлар, чет элларда ишлаб келган дипломатларимиз учун имтиёзли ипотека кредитлари асосида кўп қаватли уйлар қуриш масаласи ҳам кўзда тутилсин.

Ҳурматли йиғилиш қатнашчилари! Барчамизга аёнки, ташқи ва ички сиёсат соҳаларида олдимизда турган муҳим ва улкан вазифаларни ҳеч ким четдан келиб ҳал қилиб берайди. Фақат ўзимизнинг куч ва имкониятларимизга ишоншимиз, ўз салоҳиятимизга таъйинимиз зарур.

Агар биз ўзимиз ўзимизга хиёнат қилмасак, ўзимиз ўзимизни алдамасак, виждонан меҳнат қилсак, кўзлаган юксак марраларимизга – Ўзбекистонни изчил ривожлантириш, халқимиз турмуш даражаси ва фаровонлигини тубдан оширишга албатта эришамиз.

Ишончим комилки, сизлар бу юксак вазифаларни шараф билан адо этасиз.

Ана шу эзгу мақсад йўлида барчангизга сизга-саломатлик, янги муваффақиятлар, бахт ва омад тилайман.

САМАРАЛИ ТАШҚИ СИЁСАТ – ИСЛОХОТЛАР ВА ЯНГИЛАНИШЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ МУҲИМ ШАРТИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

2017 йилда 200 дан ортиқ халқро шартномалар, шунингдек, савдо-иқтисодий ва инвестиция соҳаларида қиймати қарийб 60 миллиард АҚШ долларига тенг келишув ва битимлар имзоланди.

Бундай салмоқли ишларда Ташқи ишлар вазирлиги ҳам муҳим ўрин тутгани таъкидланди.

Йиғилишда Ташқи ишлар вазирлиги, унинг муассасалари, мамлакатимизнинг хориждаги дипломатик ваколатхоналарининг 2017 йилдаги фаолияти танқидий таҳлил қилиниб, 2018 йил ва яқин истиқболдаги устувор вазифалари белгилаб олинди.

Президентимиз Фаол тадбиркорлик, инновацион гоғлар ва технологияларни кўллаб-қувватлаш йилида Ташқи ишлар вазирлигининг барча йўналишларидаги фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш зарурлигини таъкидлади. Бунда, аввало, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни экспорт қилишни кўллаб-қувватлаш, мамлакатимиз саноати ва инфратузилмаларини модернизация қилиш учун хорижий инвестициялар, илғор технологиялар ҳамда илм-фан ютуқларини фаол жалб этиш, юртимизга сайёҳлар оқимини кенгайтириш бўйича тизимли иш олиб бориш керак. Элчилар ва барча даражадаги дипломатлар мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар ва ўзгаришларнинг янги босқичида фаол қатнашишлари лозим.

Шавкат Мирзиёев хорижий давлатлардаги элчилар фаолиятини тубдан қайта кўриб чиқиш ва оптималлаштириш, вазирлик ва унга қарашли муассасалар ташкилий-штар тузилмасини такомиллаштириш, соҳага замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш зарурлигига эътибор қаратди.

Президентнинг Давлат маслаҳатчиси О.Муродов бошчилигидаги Ташқи ишлар вазирлиги ва Ўзбекистоннинг хориждаги элчихоналари фаолиятини танқидий ўрганиш ҳамда тубдан такомиллаштириш бўйича комиссия Ташқи ишлар вазирлиги тизимидаги ҳар бир ходимнинг ишга ҳолис баҳо бериши, мавжуд камчиликларни таҳлил қилиб, уларни бартараф этишга оид аниқ таклифлар киритиши лозим бўлади.

Ташқи ишлар вазирлиги тузилмасида ташқи иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, экспортни кўллаб-қувватлаш ва инвестициялар жалб этиш, туризмни ривожлантириш, ҳукуматлараро комиссиялар фаолиятини қотибати сифатида мувофиқлаштириш, хориждаги ватандошларимиз ва фуқароларимиз билан ишлаш бўйича иxtисослашган бўлинмалар ташкил этиш муҳимлиги таъкидланди. Йиғилишда бугун қўйилаётган вазифалар дипломатик хизматни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишинг самарали тизимини шакллантиришни талаб қилаётгани ҳам қайд этилди.

Мамлакатимизнинг хориждаги ҳар бир дипломатик муассасаси амалий фаолияти атрафида кўриб чиқилди ва танқидий баҳоланди, яқин истиқболда ташқи сиёсий фаолият юритишининг аниқ йўналишлари белгилаб берилди.

Президентимиз ҳар бир элчихонага мамлакатимизнинг муайян ҳудуди ва иқтисодиёт тармоғини бириктириш таклифини билдирди. Энди ҳар бир элчи иш кунини ўзига бириктирилган ҳудуд ҳокими ва тармок раҳбари билан телефон орқали мулоқот қилишдан бошлайди. Экспорт ва туризмни ривожлантириш, бизнес кооперациясини кучайтириш бўйича аниқ инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш билан боғлиқ масалалар тезкор ҳал қилинади.

Ўз навбатида, вилоят ҳокимлари шаҳарсозлик ва ҳудудларни ободонлаштириш, инфратузилмани ривожлантириш, замонавий ахборот технологиялари, энергия тежасидан технологияларни жорий этиш, sanoat ва қишлоқ хўжалиги, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларидаги илғор хорижий тажрибани ўрганиш мақсадида бир йилда камда икки марта тегишли мамлакатларга хизмат сафарига бориши шарт.

Йиғилишда, шунингдек, Ташқи ишлар вазирлиги ва унинг дипломатик миссияларининг дахлдор вазирлик ҳамда идоралар, маҳаллий ижро органлари билан ўзаро идоралараро муносабатларининг аниқ ва самарали тизимини шакллантириш муҳимлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Президентимиз тизимли ва аниқ тарғибот-ташвиқот ишлари, айниқса, хорижий мамлакатларда йўлга қўйилмаганини танқид қилди. Хорижий шерикларимиз ҳалигача юртимизда амалга оширилаётган туб ўзгариш ва ислохотлар, ички ва ташқи сиёсатимизнинг устувор жиҳатлари, бизнес ва инвестиция учун яратилаётган қулай, янги шарт-шароитлар ҳақида етарлича маълумотга эга эмаслар, деди давлатимиз раҳбари.

Шу муносабат билан Президентимиз "Жаҳон" ахборот агентлиги негизда ёш, салоҳиятли мутахассисларни жалб қилган ҳолда, энг илғор техникалар билан жиҳозланган замонавий медиа-марказ ҳамда Ташқи ишлар вазирлиги марказий аппаратида Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар бўйича алоҳида тузилма ташкил қилишни таклиф этди.

Йиғилишда, шунингдек, дипломат кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетини истиқболли, ўз касбига содиқ ва профессионал ёш кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди. Белгиланган устувор вазифаларнинг амалга оширилиши кенг қўламли ислохотлар ва янгилашнилар муваффақиятининг муҳим шарти экани таъкидланди.

Йиғилишда Ташқи ишлар вазирлиги, мамлакатимизнинг хориждаги дипломатик ваколатхоналари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича тегишли топшириқлар берилди.

ЎЗА



(Давоми. Боши 1-бетда)

Олий ҳарбий таълим муассасаларида таълим олиш учун юксак ақл-заковат ва етакчилик қобилиятига эга бўлган ёшларни аниқлаш ҳамда уларнинг муносибларини танлаб олишда талаб оширилди. Ҳарбий академик лицейларни ислох қилиш мақсадида Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 5 июлдаги фармонида мувофиқ барча академик лицейларга "Темурбеклар мактаби" номи берилди. Мамлакатимиздаги 29 академик лицей ва касб-хунар коллежида махсус гуруҳлар фаолияти йўлга қўйилди.

Мамлакатимизнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашда жойлардаги давлат

ОБОД ВА ОЗОД ВАТАНИМИЗНИНГ МУСТАҲКАМ ҚАЛҚОНЛАРИ

ҳокимияти органларининг фаоллигини ва ролини ошириш бўйича ишлар ҳам сифат жиҳатдан бутунлай янги босқичга кўтарилди. "Миллий армиямиз – бизнинг ифтихоримиз ва ғуруримиз" тамойили асосида ҳудудларда мудофаа соҳасида ягона давлат сиёсатини юритиш, армия ва халқнинг яқдиллигини таъминлаш мақсадида ҳарбий-маъмурий секторлар ташкил этилди.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, «Барчамиз бир фикрни яхши англаб олишимиз керак: эл-юртимизнинг тинчлигини таъминлаш мақсадида бугун мудофаа соҳасида амалга оширилаётган ислохотларнинг қанчалик самара бериши армия ва халқнинг бирдамлигига боғлиқ».

Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши томонидан ҳам ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Президентимизнинг 2017 йил 23 августдаги қарорига мувофиқ, Қорақалпо-

ғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамда вилоятлар ҳокимликлари ҳузурида Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгашининг минтақавий бўлимлари ташкил этилиб, ҳарбий округлар қўмондонлиги билан яқин ҳамкорлик йўлга қўйилди. Минтақавий бўлинмалар нафақат ҳарбий қисм ва муассасаларда, шу билан бирга, кенг жамоатчилик ўртасида, айниқса, таълим масканлари, маҳалла ва қишлоқларда ёшларимизнинг ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси билан шуғулланмоқда.

Ватан ҳимоячиларининг хизматни ўташ ва яшаш жойларидаги ижтимоий-маиший шароитларини яхшилаш, резервга бўша-тилган фуқароларни ижтимоий муҳофаза қилиш ҳам доимий эътиборда.

Ҳарбий хизматчилар учун янги турар жойлар қуриш, мавжуд турар жой фондини таъмирлаш, замонавий ҳарбий шаҳарчалар барпо этиш ва реконструкция қилиш, узоқ муддатли ипотека кредитларидан фойдаланган ҳолда квартиралар сотиб олиш ва

якка тартибдаги уй-жойлар қуриш учун ер участкалари ажратиш йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Янги йил байрами арафасида ҳам мамлакатимизнинг кўллаб-қувватлашда ҳарбийлар учун янги уй-жойлар фойдаланишга топширилди. Юзлаб ҳарбийларимиз Янги йилни янги уйда кутиб олди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 12 январдаги фармонида мувофиқ, Ватан ҳимоячилари қуни ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг 26 йиллиги муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳи Ватанимизнинг юксак муқофотлари – орден ва медаллар билан тақдирланди. Ушбу юксак муқофотлар тантанали равишда топширилди.

– Мамлакатимиздаги тинчлик-осойишталик халқимизнинг энг катта бойлиғидир, – дейди "Содиқ хизматлари учун" медали соҳиб, Қуролли Кучлар академияси кафед-

раси цикли бошлиғи Муҳиддин Умаров. – Ватанимизнинг юксак муқофоти менга улкан ғурур-ифтихор бағишлайди. Билдирилган ишончни оқлаш, халқимиз тинчлиги ва фаровонлиги, фарзандларимиз келажакни ҳимоя қилиш учун бор билим ва кучимизни сарфлаймиз.

Тантанали тадбирда ўз хизмат бурчини ўташ чоғида ҳалок бўлган олти нафар тинчлик посбонининг оила аъзоларига Президентимиз номидан уй қалитлари берилди. Ўз вазифасини намунали бажараётган кўллаб ҳарбий хизматчиларга фахрий ёрлик ва эсдалик совгалари топширилди.

"Содиқ хизматлари учун" медали соҳиб, подполковник Саиджон Уматов, аскар онаси Шоира Мирзохидова, Олимпдада ўйинлари совриндори, йил спортчиси Бектемир Мелиқўзов, Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир ва бошқалар байрам қатнашчиларини Ватан ҳимоячилари қуни билан табриқлаб, Президентимиз, Қуролли Кучларимиз Олий Бош Қўмондон Шавкат Мирзиёевга ҳарбий хизматчиларга кўрсатилаётган улкан эътибор ва гамҳурилик учун самимий миннатдорлик билдирди.

Тантанали маросим катта байрам концерти билан якуланди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
ЎЗА муҳбири

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ ВА ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ҚУРОЛЛИ
КУЧЛАРИНИНГ 26 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА
ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ, МУДОФАА ВА ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР
ВАЗИРЛИКЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Сальников Андрей Александрович – Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси Эксперт-криминалистика маркази бош эксперти

«Мардлик» ордени билан

Абдукадиров Вали Абдукаҳорович – Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Тез ҳаракат қилиш республика кўп тармоқли маркази кўтарувчиси

Бекназаров Ислам Сарсенбаевич – Тошкент шаҳар Миробод тумани ички ишлар бошқармаси профилактика инспектори

Курбанов Исмоил Худайназарович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

Мансуров Махмуджон Раҳимович – Андижон вилояти Андижон шаҳар ички ишлар бошқармаси кўриқлаш бўлими сафдор ходими

Тулабоев Зухриддин Зокиржонович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взводи гуруҳ мутахассиси

Хужаахматов Азизбек Одиловчи – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

Шамшидинов Абдурашид Юлдашбоевич – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи кўмитасининг Чегара кўшинлари минтақавий штаби гуруҳ командири

Юсупов Алишер Анварович – Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси патруль-пост хизмати бригадаси ҳайдовчи-ҳодими

«Жасорат» медали билан

Азимов Шухратбек Санжар ўғли – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Албеков Улугбек Авазович (марҳум) – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи кўмитаси гуруҳининг чегара пости мутахассиси

Амонов Уктамхўжа Олимович – Навоий вилояти Навоий шаҳар ички ишлар бўлими жиноят қўриқув бўлими бошлигининг ўринбосари

Астанов Ойбек Уктамович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взводи гуруҳ командири

Бегимкулов Воҳид Хўжаевич – Қашқадарё вилояти Ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати батальони сафдор ходими

Дурдиев Эркинбай Утамуратович – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Дусткулов Махаматсоли Махаматсоидович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взводи гуруҳ командири

Исмаилов Камал Липиллаевич – Давлат божхона кўмитаси Тошкент шаҳар божхона бошқармаси контрабандага қарши курашиш бўлими бошлиғи

Каримов Фаррух Нишоневич – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Кодиров Муминжон Маирович – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи кўмитасининг Чегара кўшинлари минтақавий штаби взводи мутахассиси

Мадаминов Абдулхамид Марифжон ўғли – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взводи гуруҳ мутахассиси

Мамарасулов Сардор Эшмамаев ўғли – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взводи гуруҳ мутахассиси

Муродов Мансур Мамаражабович – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Муҳидинов Даврон Раҳимджонович – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Нарзиев Руслан Холматович (марҳум) – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи кўмитаси взвод мутахассиси

Нуриддинов Голиб Буриевич – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Олимов Козимжон Нозимжонович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм бўлими бошлиғи

Отмуродов Умид Хабибович – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи кўмитасининг Чегара кўшинлари минтақавий штаби взвод командири

Раҳимбаев Пулат Комилевич – Қорақалпоғистон Республикаси Амударё тумани ички ишлар бўлими кўриқлаш бўлими сафдор ходими

Раҳимкулов Мухторжон Муртожонович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взводи гуруҳ мутахассиси

Раҳматов Умид Аҳмадович – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Турдиев Уйғун Раҳматуллаевич – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Убайдуллаев Қутбиддин Бахтиёрвич – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Хайткулов Сиражиддин Суннатиллаевич – Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси Ангрен шаҳар ёнғин хавфсизлиги бўлими ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисми бўлими командири

Ҳаликов Тулқин Турғунович – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Халимбетов Рашидjon Бахтиярович – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Хидиров Алимардон Авлоқулович – Қашқадарё вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси Шаҳри-сабз шаҳар кўтарув отряди кўтарувчиси

Холматов Шавкат Шухратович – Жиззах вилояти Ички ишлар бошқармаси жиноят қўриқув бошқармаси бошлигининг ўринбосари

Шадманов Алибек Абдуҳакимович (марҳум) – Самарқанд вилояти Ички ишлар бошқармаси Катта-қўрғон тумани ёнғин хавфсизлиги бўлими ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисми катта ёнғин ўчирувчиси

Юсупов Хусан Бахтиярович – Сирдарё вилояти Ички ишлар бошқармаси Гулистон шаҳар ёнғин хавфсизлиги бўлими ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисми катта техник

«Содиқ хизматлари учун» медали билан

Абдуллаев Акбарали Эркинович – Наманган вилояти Наманган тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

Авазов Қудратжон Абдуғафорович – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Амиров Нодир Ускун ўғли – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм эскадрильяси взвод командири

Атаджанов Умидбек Бағибекович – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги хорижий давлатлар дипломатик ваколатхоналарини кўриқлашни таъминлаш бўйича алоҳида батальон командири

Ахмедов Азлар Муратович – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Жураев Рустам Абдурайимович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взводи гуруҳ командирининг ўринбосари

Каримов Дилшодбек Толибжонович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Чирчиқ олий танк кўмондон-муҳандислик билим юрти батальони командири

Кучаров Бахриддин Иззатуллаевич – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий клиник госпитали бўлим-бошлиғи

Мамарасулов Шухрат Рустамович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм эскадрилья командирининг ўринбосари

Махрамов Хусен Қуваандиқович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий округ кўшинлари кўмондонининг ўринбосари

Машрабов Иброҳим Муминович – Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Наманган автомобиль мактабининг ўқув-ишлаб чиқариш катта устаси

Метинев Дилшоджон Муҳаммаджонович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий округ штаби бўлим бошлиғи

Норалиев Хамиджон Жумабоевич – Андижон вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси кўтарув отряди кўтарувчиси

Норкулов Рустам Орифович – Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Кўтарув кучлари бошқарма бошлигининг ўринбосари

Нуриддинов Азамат Абдулазизович – Тошкент шаҳар Юнусобод тумани ички ишлар бошқармаси профилактика катта инспектори

Омонов Мансур Ражабович – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Сабиров Эркабой Эркинбаевич – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги институти кафедра бошлиғи

Саноев Султон Сулаймонович – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи кўмитасининг Чегара кўшинлари минтақавий штаби хизмат бошлиғи

Сиражов Жаҳонгир Иброғимович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм эскадрилья командирининг ўринбосари

Солиев Жаҳонгир Ташпулатович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взводи гуруҳ катта мутахассиси

Темиров Раҳматжон Собирович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взводи гуруҳ командири

Тоқибоев Искандар Алижонович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм пост бошлиғи

Умаров Муҳиддин Муйсинович – Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари академияси цикл бошлиғи

Уммиатов Саиджон Абдурахмонович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм батальон командири

Худойназаров Хуршид Халимназарович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм дивизион командири

Шакаров Баҳодир Эргашович – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

«Шухрат» медали билан

Абдуғаффаров Умиджон Хайруллаевич – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Абдуллаев Жасурбек Муродович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взводи секция командири

Акбарова Елена Николаевна – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий клиник госпитали бўлим мудираси

Алпонав Муҳаммади Нормурод ўғли – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи кўмитасининг Чегара кўшинлари минтақавий штаби взвод назоратчиси

Бахриев Голиб Абдушукорович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм батальони батарея командири

Бойдадаев Шавкатжон Гуломович – Фарғона вилояти Марғилон шаҳар ички ишлар бўлими профилактика инспектори

Бомуродов Муҳиддин Атобоевич – Бухоро вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси кўтарув отряди фельдшер-кўтарувчиси

Гайбуллаев Толиб Тошмуродович – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Гребенюк Владимир Анатольевич – Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Ҳаво ҳужумидан мудофаа ва Ҳарбий ҳаво кучлари кўмондонлиги хизмат бошлиғи

Жумабаев Фарходжон Пазилжонович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм батальон командири

Жураев Шербек Раҳматиллаевич – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм батальон командири

Имомалиев Баҳром Хасанбоевич – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм дивизиони батарея катта техник

Камолов Авазбек Абдирахимович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взводи секция командири

Косимов Жамолиддин Абдухалилович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взводи секция командири

Мавлонов Камолддин Бобарахматович – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Мамадалиев Ойбек Асилжонович – Наманган вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси кўтарув отряди гуруҳ командири

Маннанов Рустам Уктамович – Сирдарё вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси етакчи мутахассиси

Махмудов Шафоат Тулқинбоевич – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм отряди гуруҳ командирининг ўринбосари

Назаров Зариф Озодович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взводи гуруҳ командирининг ўринбосари

Нишонов Ахрорбек Акбаралиевич – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Орипов Акрам Фозилжонович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм отряди взвод командирининг ёрдамчиси

Пардаева Элзара Эргашевна – Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Махсус авария-тиклаш бошқармаси тиббиёт пункти фельдшери

Ражабов Заир Закираевич – Тошкент шаҳар Яққасарой тумани ички ишлар бошқармаси техник кўриқлаш пункти сафдор ходими

Раимов Абдурашул Абдувалиевич – Жиззах вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси кўтарув отряди гуруҳ кўтарувчиси

Раимов Илес Фармонович – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм взводи гуруҳ мутахассиси

Сафаров Отабек Насилжонович – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Сулейманов Антон Олегович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм цехи мутахассиси

Умаров Муҳаммад – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм батальони гуруҳ катта механиги

Утапулатов Алимардон Турамуродович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

Хамзаев Нодир Баҳодирович – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул кўшинлари бош бошқармаси ҳарбий қисм қоровул бошлиғи

Хужамуродов Абдижалол Абдукаҳорович – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм взводи гуруҳ мутахассиси

Шарипов Гуломжон Пармоналиевич – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм дивизиони батарея катта техник

Шарифбоев Отабек Шухратович – Давлат божхона кўмитаси Андижон вилояти божхона бошқармаси контрабандага қарши курашиш бўлими катта тезкор вакили

Яхшибоев Илхом Абриевич – Самарқанд ҳарбий академик лицейи ўқитувчиси

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2018 йил 12 январь



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Наманган вилояти туман ва шаҳар бандликка кўмаклашиш марказларига 12 «Damas» автомашинаси топширилди. Шу муносабат билан кенг жамоатчилик иштирокида ўтказилган тадбирда мамлакатимизда аҳолининг кам таъминланган қатлами қўллаб-қувватлаш борасида кўрилаётган чора-тадбирлар юксак самаралар бераётгани таъкидланди.

● Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиалида «Эртанги кун бизники, мара бизники!» шиори остида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди. Тадбирда филиалнинг 117 нафар бакалаврият ва 67 нафар ординатура йўналиши битирувчилари тиббиёт сирларини пухта эгаллаб, эл саломатлиги йўлида фидокорона меҳнат қилиш учун «Шифокорлик қасамёди»-ни қабул қилди.

● Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Навоий вилояти кенгаши ташаббуси билан Президентимизнинг Олий Мажлис палаталарига Мурожаатномасидан келиб чиқиб, партиянинг ҳудудий бўлимлари олдида турган долзарб вазифалар ижросига бағишланган ўқув-семинар ўтказилди. Тадбирда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия депутатлик гуруҳи аъзолари, партиянинг вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари аппарати ходимлари, бошланғич партия ташкилотлари раислари, партия фаоллари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

● Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ туманидаги 2-умумтаълим мактаби янги биноси фойдаланишга топширилди. Мактабнинг 180 ўринли янги кўшимча биносида «Раҳмон Умар фойз» масъулияти чекланган жамияти курувчилари томонидан қурилиш-монтаж ишлари бажарилди.

ЖАҲОНДА

● Эквадор ташқи ишлар вазирлиги «Викилик» кампаниясининг асосчиси Жулиан Ассанжга ушбу мамлакат фуқаролиги берилганлиги ҳақидаги маълумотни рад этди.

● Кеча Франция пойтахти Париж шаҳри марказидаги машҳур меҳмонхоналардан бирида жойлашган зарғарлик дўконига беш нафар болта билан қуролланган жиноятчилар босқинчилик ҳужуми уюштириб, қиймати 4,5 миллион евродан ортиқ қийматдаги тилла тақинчоқларни олиб жуфт-тақни ростлашди. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг ўз вақтида кўрган чора-тадбирлари туфайли тез орада босқинчиларнинг учтаси қўлга олинди.

● АҚШдаги Бателла институти олимлари картошкани лазер ёрдамида пўстидан тозаловчи қуролни яраттишди. Унда ювилган картошқалар транспортёрда қуввати 90 килловатли лазер нури ишлаб турган зонага келтирилиб, ҳар бир картошқа сиртида нур айлантериби чиқилади. Картошқа пўсти шу заҳотиёқ енгилгина тутаб, куйиб тушади, лекин унинг ўзига ҳеч қандай зиён етмайди. Таъкидлаш жоизки, лазер нури билан тозалаш қурилмаси орқали қарбонад ангидрид гази ва учта лазер ёрдамида бир сонияда 30 та картошкани тозалаш имконияти мавжуд ва бу катта компаниялар фаолиятида жуда қўл келмоқда.

(Газетанинг навбатдаги сони 16 январда чиқади.)

Тошкент Оқшоми

Манзилми: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кучаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонар: (0-371) 233-28-95,
факс: (0-371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки
«Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва сайқаланди

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ



Бизнинг электрон манзил:
gazeta-vto@mail.uz

Душанба, сешанба, chorshanba,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
10368 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Нашр учун масъул
О. Ҳазратов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акmal АҚРОМОВ

Буюртма Г. - 135

Топшириш вақти: 13.00 Босишга топширилди: 01.40